




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



SOURCES OF THREATS TO REGIONAL SECURITY IN CENTRAL ASIA AND MEASURES TO COMBAT THEM

Shokhista R. Amirova

Master's student

Tashkent University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: sohistaamirova@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: regional security, social balance, inter-ethnic conflict, drug trafficking, religious extremism, border issue, water issue.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: The countries of the region are pursuing an active foreign policy on the path to peace and sustainable development in Central Asia. Making Central Asia a zone of peace and good neighborliness has also been identified as a priority of Uzbekistan's foreign policy. The relevance of this article is that in today's era of increasing sources of global threats, ensuring regional security in Central Asia has become one of the main tasks facing the countries of the region. Trade, economic, transport and transit-logistics, security and stability, equitable use of water resources, strengthening cultural and humanitarian ties, friendship and good neighborly relations between the peoples are being developed between the two countries.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАХДИД МАНБАЛАРИ ВА УЛАРГА КАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Шоҳиста Р. Амирова

Магистратура талабаси

Тошкент шарқшинослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: sohistaamirova@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит хавфсизлик, ижтимоий миллатлараро моддалар савдоси, диний экстремизм, чегара муаммоси, сув муаммоси.

Аннотация: Марказий Осиёда осойишталик ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йулида минтақа давлатлари томонидан фаол ташки сиёsat олиб борилмоқда. Марказий Осиёни тинчлик ҳамда яхши қўшничилик худудига

айлантириш Ўзбекистон ташки сиёсатининг ҳам устувор йўналиши сифатида белгиланган. Мазкур мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, бугунги глобал таҳдид манбалари қўпайиб бораётган даврда, Марказий Осиё худудий хавфсизлигини таъминлаш минтаقا давлатларининг олдида турган энг асосий вазифалардан бирига айланди. Давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт ва транзит-логистика, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, давлат чегараларига доир масалаларни якунига етказиш, сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш, халқлар ўртасида маданий-гуманитар алокалар, дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш каби йўналишлар ривожлантирилмоқда.

ИСТОЧНИКИ УГРОЗ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ

Шохиста Р. Амирова

Магистрант

Ташкентский университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sohistaamirova@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: региональная безопасность, социальное равновесие, межэтнический конфликт, наркотрафик, религиозный экстремизм, пограничный вопрос, водный вопрос.

Аннотация: Страны региона проводят активную внешнюю политику на пути к миру и устойчивому развитию в Центральной Азии. Превращение Центральной Азии в зону мира и добрососедства также было определено в качестве приоритета внешней политики Узбекистана. Актуальность данной статьи заключается в том, что в сегодняшнюю эпоху увеличения источников глобальных угроз обеспечение региональной безопасности в Центральной Азии стало одной из основных задач, стоящих перед странами региона. Между двумя странами развиваются торгово-экономическая, транспортная и транзитно-логистическая, безопасность и стабильность, равноправное использование водных ресурсов, укрепление культурно-гуманитарных связей, дружба и добрососедские отношения между народами.

КИРИШ

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик масалалари ривожланиш жараёни. Минтақавий сиёсий жараёнлар ва минтақавий хавфсизлик мавзулари янги илмий йўналишдаги тадиқотлар объекти сифатида XX аср бошларида сиёсатшунослик ва минтақашунослик каби фанлар доирасида пайдо бўлди. Минтақавий сиёсат концепциясини аниқлашда мавжуд ёндашувларни таҳлил килиш уларнинг назарий жиҳатдан етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, улар кўпроқ давлатларнинг ички сиёсатига қаратилган. Фикримизча, минтақавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатини таҳлил қилишда минтақа тушунчасининг мураккаблигини хисобга олиш керак. Сабаби, у кўп қисмли тузилишни ўз ичига олади, яъни, минтақавий сиёсат марказ ва субминтақалар ўртасидаги муносабатлар талқинида, шунингдек, “макро минтақа” даражасида намоён бўлади. Мавжуд ўзгариш ва янгиланишлар ҳар бир минтақанинг ривожланиш векторини, ижтимоий ва сиёсий субъектларнинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятини шакллантиради, шунингдек, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидларнинг пайдо булиш жараёнига ҳам таъсир қиласи.

Марказий Осиё субминтақасидаги ҳудудий ҳавфсизлик муаммолари ҳам бутун дунёдаги каби терроризм, экстремизм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, ядро қуроли хавфининг ортиши, наркобизнес, атроф мухитнинг бузилиши, глобал исиш, ўрмонларнинг кесилиши, пандемик касалликларнинг авж олиши ва бошка таҳдидлар билан ифодаланмокда. Сув ресурслари тақсимоти билан боғлик урушлар хавфи ҳам тобора ўсиб бормокда. Шунингдек, мазкур минтақа мамлакатлари ички, эндоген характерга эга бўлган кўплаб эски ва янги муаммолар учун ҳам ҳали муносиб жавоб топа олишаётгани йўқ. Жумладан, ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, миллатлараро зиддиятлар, минтақавий элита ва давлатлар бошқарувидаги тузилмалар ўртасида мавжуд қарама-қаршиликлар, аҳолининг қашшоқлашиши, аҳоли даромадларидағи фарқнинг ортиши ва ижтимоий мувозанатнинг кучайиши, ёшлар орасида ишсизликнинг юқори даражага етиши, коррупциянинг авж олиши, давлат тузилмаларининг паст самарадорлиги, ҳар қандай сиёсий беқарорлик юз берганда бошини кўтаришга тайёр ва дунёвий ҳукмрон бошқарувларни обрўсизлантириш учун ижтимоий муаммолардан фаол фойдаланувчи радикал исломизм, гиёхванд моддалар савдоси ва диний экстремизм таъсирининг ўсиши ҳамда олий сиёсий ҳокимиятнинг давомийлиги муаммоси (чунки Марказий Осиёнинг аксарият давлатларида бундай давомийлик учун аниқ белгиланган ва ўрнатилган қоидалар мавжуд эмас) кабилар бугунги кунда ҳудуд тинчлиги учун асосий таҳдид манбалари сифатида намоён бўлмокда.

[1]

АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиёдаги вазиятга тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётган яна бир глобал таҳдид бу гиёхвандлик муаммоси бўлиб, чегаравий тарқатиш йўлаклари орқали олиб ўтиладиган гиёхванд моддалар ҳажми ҳам, гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчилар сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Европа бозорларига дори-дармон етказиб бериш учун транспорт йўлаги мазкур минтақадан ўтади. Гиёхванд моддаларни тарқатиш учун Марказий Осиё минтақасининг йирик транзит артериясига айланишида минтақа давлатларининг Афғонистон билан яқинлиги ёрдам бермоқда. Шу сабабли ҳам, Ғарб мамлакатлари афюн гуруҳларининг гиёхванд моддаларга бўлган талабининг ўсиши Марказий Осиё йўлагининг гиёхванд моддалар савдоси учун самарадорлигини оширмоқда.

Таъкидлаш керакки, Марказий Осиёдаги қашшоқлик ва ишсизликнинг ортиши тобора кўпроқ одамларни, айниқса аёллар, ёшлар ва болаларни гиёхвандлик бизнесига осон жалб қилинишига олиб келмоқда. Тожикистонда 2000 йилда гиёхванд моддалар савдоси учун судланганлар умумий сонининг 10 фоизини аёллар ташкил этган. Вазият, шунингдек, Афғонистон билан чегараларнинг заифлиги, чегаралар ва божхона идораларида коррупциянинг юқори даражаси билан ҳам мураккаблашмоқда.

Марказий Осиё минтақавий сиёсатида хавфсизлик тенденциялари. Шиддат билан тўпланиб бораётган ички муаммолар билан бир қаторда ташки таъсир ва таҳдидлар ҳам Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга сезиларли салбий таъсир этмоқда. Улар орасида трансчегаравий жиноятчилик, терроризм ва гиёхванд моддалар савдосининг ўсиши ҳамда Афғонистондаги толибларнинг ҳокимият тепасига қайтиши ва радикал исломизм марказига айланиши яқин келажақда минтақа тинчлиги учун энг кескин ташки таъсирлардан бири бўлиб колмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси географик позицияси нуқтаи назаридан ҳам ижобий, ҳам салбий жихатларга эга. Бир томондан, субминтақа давлатлари Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу иқтисодий нуқтаи назардан жуда фойдали. [2] Бошқа томондан эса, ушбу давлатларнинг худуди кучли кўшнилар - шимолда Россия, шарқда Хитой, жанубий ва жануби-ғарбда муаммоли исломий мамлакатлар-Афғонистон, Эрон ва Покистон ўртасида жойлашган [3]. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари мустақилликни кўлга киритиши билан илгари унчалик сезилмаган геостратегик муаммо - Марказий Осиёнинг географик изоляцияси янада аниқ намоён бўлди, яъни минтақа жаҳон сиёсий ва иқтисодий оқимлари бўйлаб жойлашган халқаро сув йўлларига тўғридан-тўғри чиқиши имкониятига эга эмас. Шу сабабли ҳам, Марказий Осиё давлатлари ўзларининг геосиёсий

мавқеларини ҳисобга олган ҳолда, бир томондан, нафақат бир-бири билан, балки курдатли қўшнилар (биринчи навбатда Россия, Хитой) билан ҳам ҳамкорликни йўлга кўйишга, бошқа томондан, жаҳон бозорига чиқишининг янги йўлларини топишга интилмокда. Минтақадаги бир катор давлатларнинг раҳбарлари Буюк Ипак йўлини тиклашга ҳам ҳаракат қилишмокда. Ўтган 30 йил мобайнида савдо-иктисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун маълум шароитлар яратилди. Хусусан, Озарбайжон, Афғонистон ва бошка давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга имкон берувчи Туркманистон-Эрон, Козогистон-Хитой ва яна бир катор йуналишлар буйича темир йуллари ва транспорт йуллари ишга туширилди. 2010 йилда логистика кўрсаткичлари буйича Козогистон мамлакатлар рейтингида 62-ўринни, Ўзбекистон 68-ўринни, Қирғизистон 91-ўрин, Туркманистон - 114 ва Тожикистон 131-ўринни эгаллади. Бироқ минтақанинг асосий геосиёсий хусусияти ва афзаллиги - бу унинг энг бой хомашё захираларига эгалиги бўлиб, улар минтақада жаҳон кучлари манбаатдорлигининг асосий сабабларидан бирига айланган. Ўрганилган нефт захиралари дунёдаги аниқланган захираларнинг таҳминан 2,7 фоизини, газ эса 7 фоизни ташкил этади. Жаҳон уран захираларининг таҳминан 25% ва жаҳон ишлаб чиқаришининг 8% Қозогистонга тўғри келади.

Минтақа сиёсатида хавсизликни таъминловчи омиллар. Шу билан бирга, минтақа ривожини таъминлашда худудий масалалар ҳам муҳим рол ўйнайди. Марказий Осиё давлатлари чегараларининг сунъий табиати миллатлараро муносабатларда жиддий бекарорлаштирувчи омилга айланмоқда ва бугунги кунда у давлатларнинг ва умуман Марказий Осиё минтақасининг сиёсий барқарорлиги учун хавф туғдирувчи омиллардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Ушбу соҳадаги энг жиддий масалалар Қирғизистон - Ўзбекистон, Тожикистон - Ўзбекистон, Қозогистон - Ўзбекистон ўртасида маълум худудий зиддиятларнинг мавжудлиги билан тавсифланмоқда.

Хусусан, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида қўшма чегараларнинг катта қисми делимитация қилинганига қарамай, 100 га яқин баҳсли участкалар мавжуд бўлиб, улар бўйича ҳали келишувга эришилмаган. Тожикистон эса, Қирғизистоннинг асосан тожиклар яшайдиган чегара худудларининг бир қисмига даъво қилиб келмоқда. Чегараларни бир томонлама демаркация қилиш ва уларни миналашга уринишлар минтақа давлатлари ўртасида доимий равишда маълум бир кескинликни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Марказий Осиёдаги этно-худудий ва чегара муаммоларини ҳал қилиш учун конструктив ёндашув зарур.

Иктисодиёти агарар йўналишга эга бўлган Марказий Осиё давлатларида сув ресурсларининг етишмаслиги сув муаммоси, уни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш

масалаларини ҳам биринчи ўринга олиб чиқади. Суғориш тизимларининг бузилиши, сувдан оқилона фойдаланилмайдиган ерларни суғориш, Ўрта Осиё давлатлари аҳолисининг тез суръатларда ўсиши, сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни ва зиддиятларнинг мавжуд потенциалини ошиши билан кечмоқда.

Марказий Осиёда минтақавий хавсизликни мустаҳкамлаш масалалари ва йўналишлари. Марказий Осиёнинг геосиёсий хусусиятлари жаҳон миқёсидаги қудратли давлатларни уларнинг иқтисодий алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам, ҳарбий-стратегик жиҳатдан ҳам минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга ундейди. Минтақанинг Афғонистон, Покистон, Эрон ва бошқа Осиё мамлакатлари кесишувида жойлашганлиги ҳудуд учун бекарорлик омилини яратадиганига қарамай, ушбу минтақа республикалари билан ҳамкорликни ривожлантириш Осиёнинг бошқа давлатларини глобал ва минтақавий хавфсизликка эришишида муҳим кафолатлар билан таъминлаши мумкин.

АҚШ, Россия ва Хитойнинг асосий вазифаларидан бири бу минтақада етакчи мавқега эришиш ва қолган икки давлатнинг бирлашишига йўл қўймаслиkdir. Шу билан бирга, бу уч давлатнинг минтақадаги манфаатлари бир-бирига ҳам мос, ҳам қарама-каршидир. Бир-бирига мос келадиган манфаатлар (терроризм, гиёхванд моддалар савдосига қарши кураш ва бошқалар) АҚШ, Хитой ва Россияни Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликда ҳамкорлик қилиш заруратини яратади. Қарама-қарши манфаатлар ушбу уч мамлакатнинг ҳар бири томонидан Марказий Осиё мамлакатлари билан алоҳида битимлар тузилишига ёки ШХТ доирасидаги Россия ва Хитой ҳаракатларини икки томонлама мувофиқлаштиришга олиб келади.

2018 йил июнда Самарқандда “Марказий Осиё: битта ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик учун ҳамкорлик” номли халқаро конференцияда Марказий Осиё бешлиги мамлакатлари ўртасидаги мавжуд муаммолар, ҳатарлар ва энг муҳими, ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Форум 10 та етакчи халқаро ташкилотларнинг, биринчи навбатда, БМТнинг кўмаги билан ўтқизилиб, унда 20 мамлакатдан 500 дан ортиқ иштирокчилар қатнашиши. Бундай вакиллик учрашувининг асосий мавзуларидан бири минтақадаги хавфсизлик муаммолари, сув-экологик соҳадаги ҳамкорлик, Марказий Осиёдаги таҳликалар ва таҳдидларнинг олдини олишга кўмаклашиш, шунингдек, келгусида ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конференцияда "Бизнинг умумий мақсадимиз – Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва гуллаб-яшнаган минтақага айлантириш. Бунинг учун биз миллий истиқболларни

минтақавий устуворликлар билан бирлаштиришимиз, зиддиятларни келтириб чиқарадиган ва озиқлантирадиган шароит ва сабабларни йўқ қилишимиз керак", - деб таъкидлади. Хавфсизлик масалаларига бағишлиланган тезислар Ўзбекистон раҳбарининг нутқида асосан унинг БМТ минбаридан берган сўнгти маъruzаси – ёшларни кўллаб-кувватлаш, диндорлар онгида Исломнинг ҳақиқий қадриятларини ривожлантириш ва мустахкамлаш, шунингдек, чегара муаммоларининг якуний эчими билан бирлашди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон раҳбари яна бир бор Марказий Осиё хавфсизлиги учун энг устувор йўналишларни айтиб ўтди. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ўз позициясини билдириди, шунингдек, қўшниларга бир пайтлар мавжуд бўлган қарама-каршиликларни унтишини ва ўзлари айтганидек конструктив минтақавий ҳамкорликка ўтишни таклиф қилди. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ҳақида гапиришда давом этар эканмиз, сўз дунёнинг деярли барча қисмлари, қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан бошланиб, олисда кўринадиган Япония ва АҚШ билан яқунланиши мумкин. Ҳар бир мамлакат Марказий Осиё лойиҳаларидағи иштирокини ўзига хос йўналишларга қаратган ҳолда кўрмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Марказий Осиёдаги ташқи актёрларнинг фаол иштироки кўпинча янги ажойиб ўйин сифатида тавсифланади. Баъзи эксперталар таҳлилига қўра, агар Россия, Хитой, АҚШ, Евropa Иттифоқи, Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида геосиёсий ўйинлар бўлса, уларнинг барчаси асосан Марказий Осиёдаги энергетика заҳираларидан фойдаланишга қаратилган бўлади. Аммо, минтақани фақат йирик давлатлар ўртасидаги геосиёсий кураш майдони сифатида қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи бошқа омиллар ҳам бор. Биринчидан, Марказий Осиё бошқарувчилари нафақат ташқи иштирокчиларга бўйсунадилар, балки улар бир-бирига қарши турувчи қай бир "ўйинчи" билан ҳамкорлик қилишни ўзлари белгилайдилар. Иккинчидан, Марказий Осиёда энергия хавфсизлигидан ташқари минтақавий сиёсий хавфсизликка ички таҳдидлардан тортиб барқарорликкача, этник зиддиятлар ва минтақалараро муносабатларнинг ёмонлигидан тортиб Афғонистондан келиб турувчи салбий таъсирларгача таҳдидларнинг узун рўйхати мавжуд.

ХУЛОСА

Юкорида келтирилган таҳлиллар ва Марказий Осиёдаги донорлар тажрибаси хавфсизлик соҳасида тўртта асосий устувор жиҳатларни қуидагича ажратиш имконини беради: хавфсизлик соҳасидаги ислоҳотлар, чегаравий назорат, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳолатнинг чуқур таҳлили. Ўзбекистон ҳолатида барча бандлар бўйича ишлаш мумкин. Чегаравий назорат ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича Хитой ва Россия ҳукуматлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши зарур. Хавфсизлик тармоғи

ислоҳотлари – изчил жараён. Маълум хавфга эга донорлар учун ишнинг мазкур жиҳати мураккаб масала саналади, чунки минтақа давлатлари уларнинг баъзи ҳаракатларида ўзлари учун очиқдан-очиқ таҳдидни кўрадилар. Шунинг учун мазкур соҳада дастурларни ишлаб чикиб, хавфсизлик тузилмаларига ёрдам бериш хатарли эмаслигига ишонч ҳосил қилган ҳолда иш кўриш лозим.

Хусусан, ШХТ минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафика ва уюшган жиноятчилик таҳдидларига қарши курашишга қаратилган. Минтақадаги бошқа ташкилотлар ҳам тинчлик ва барқарорлик бўйича ҳукumatлараро мулоқотлар учун, колектив минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришга интидувчи муҳим майдонга айланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Markaziy Osiyoda mushtarak jihatlar, tahdidlar va yangi imkoniyatlar. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Strategik va mintaqalararo tadqiqotlar instituti. 16.02.2019. <http://uza.uz/oz/society/markaziy-osiyeda-mushtarak-zhi-atlar-ta-didlar-va-yangi-imko-15-02-2019>

2. Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag’rikenglikni ta’minlash hamda chuqur o’ylangan, o’zaro manfaatliva amaliy tashqi siyosatni amalga oshirish sohasidagi ustuvor yo’nalishlar. 17 Avgust 2020 y. “Taraqqiyot strategiyasi” markazi. <https://strategy.uz/index.php?news=1041&lang=uz2>

3. Pavlo Ignatiev. Afghanistan: Balancing between Pakistan and Iran. Indian Journal of Asian Affairs Vol. 27/28, No. 1/2 (2014-2015), pp. 43-62 (20 pages) Published By: Manju Jain <https://www.jstor.org/stable/43857991>

4. Markaziy Osiyo: umumiy kelajak uchun mas’uliyat. 14 Noyabr 2017. <https://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/11958-markazij-osijo-umumij-kelazhak-uchun-mas-uliyat>

5. Markaziy Osiyo davlat rahbarlarining birinchi maslahat uchrashuvi. 16 Mart, 2018. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/>

6. Mirzieev Sh. M. [Action Strategy of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021] Strategiyadeystviy Respublikni Uzbekistan na 2017–2021 godi. Tashkent, 2017. // Narodnoeslovo. 7 iyunya 2017 g.

7. Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag’rikenglikni ta’minlash hamda chuqur o’ylangan, o’zaro manfaatliva amaliy tashqi siyosatni amalga oshirish sohasidagi ustuvor yo’nalishlar. 17 Avgust 2020 y. “Taraqqiyot strategiyasi” markazi. <https://strategy.uz/index.php?news=1041&lang=uz2>

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Samarqand shahrida o‘tgan “Markaziy Osiyo: yagona tarix va umumiy kelajak, barqaror rivojlanish va taraqqiyot yo‘lidagi hamkorlik” mavzusidagi xalqaro konferensiyada so‘zlagan nutqi.10.11.2017.
<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-sama-10-11-2017>

9. Zohidov A.A. markaziy Osiyoda integrasion tuzilmalarni shakllantirish bosqichlari. “Iqtisodiyot va innovasion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 3, 2015 yil.

10. Pavlo Ignatiev. Afghanistan: Balancing between Pakistan and Iran. Indian Journal of Asian Affairs Vol. 27/28, No. 1/2 (2014-2015), pp. 43-62 (20 pages) Published By: Manju Jain
<https://www.jstor.org/stable/43857991>

11. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.

12. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.